



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2022 йил 16 декабрь, № 269 (8331)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 декабрь куни ҳудудларда энергия таъминотини яхшилаш, аҳоли бандлигини ошириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, сўнги кунларда кузатишган энергия таъминотидаги муаммоларга тўхталди. Охириги олти йилда 5 минг мегаваттдан ортиқ янги электр қувватлари яратилгани қайд этилди. Қиёс учун: аввалги 25 йилда 3,5 минг мегаватт қувватлар ишга тушган.

Шунингдек, 45 минг километр электр тармоғи ва 13 мингдан ортиқ трансформаторлар янгилашган. Бу ҳам аввалги йиллардагига нисбатан 3-4 баравар кўп. Суялтирилган газ ва кўмир ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,5 баравар ошган.

Лекин бир ҳафта бўлган соҳаси энергетика соҳаси масъуллари, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари кўйи тизимда ишни ташкил этмагани кўриниб қолди. Халқ шундай қийналган вазиятда ҳам электр ва табиий газ тармоқларида ўғрилиқлар бўлаётгани кескин танқид қилинди.

Йиғилишда бундай камчиликларга йўл қўйган мутахассисларга интизомий чоралар кўрилди.

— Энергия таъминотидаги бугунги вазият тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари учун катта сабоқ бўлиши лозим. Соҳа корхоналари тизимли ишлаши керак. Биронта маҳалла-

да одамлар норози бўлмагани зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари бошчилигида энергетика тизими раҳбарлари икки ой фавқулодда тартибда ишлаши белгиланди. Вилоят ҳокимларига ис- сиклик таъминоти корхона- ларига бориб аҳолига хизмат сифатини яхшилаш, энергия сарфи ва йўқотиш- ларни камайтириш вазифа- си қўйилди.

Йиғилишда аҳолини даро- мадди раҳмат билан банд қилиш масалалари муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, йил бошидан буён тадбиркор- лик, саноат, қишлоқ хўжали- ги, хизмат кўрсатиш каби со- ҳаларда 2 миллион аҳоли- нинг доимий бандлиги таъминланди. Шунингдек, 4 миллиондан зиёд аҳоли мавсумий меҳнат орқали даромадли бўлди.

Ҳудудларда корхоналар 85 мингтага қўлайиб, улар- нинг сони 550 мингтага етди. Бунинг ҳисобига 2022 йилда даромад солиғи тўлаётган расмий банд бўлганлар сони 400 мингтага ошди, 5 миллион 100 мингтаги ташкил этди.

Саноат соҳасида 3 минг 500 та лойиҳа бажарилиб, 160 мингта доимий иш ўрни

яратилди. Маҳаллалардаги 35 мингта кичик лойиҳа до- ирасида 175 минг, қурилиш соҳасида 135 минг киши да- ромад манбаига эга бўлди.

79 та фаолият тури бўйи- ча ўзини ўзи банд қилиш им- конияти яратилгани натижа- сида бу йил 914 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтди. Уларнинг сони 2 миллионга яқинлашди.

Йиғилишда соҳадаги кам- чиликлар ҳам таҳлил қилин- ди. Хусусан, бу йил доимий бандлар сони Китоб, Қосон, Мирзаобод, Нарпай, Нишон, Фурқат туманларида камай- ган. Хусусий секторда фао- лият кўрсатаётган 232 минг- та корхонада ишчилар сони бор-йўғи 1 нафарни ташкил қилади. Саноат ишлаб чиқ- ариш ҳажми 15 та туманда па- сайган. Аҳолига тарқатиш учун белгиланган 100 минг гектар ернинг 4 минг гекта- ридан экин экилмаган.

Булардан келиб чиқиб ҳокимларга қатор топшир- қилар берилди. Келгуси йилги вазифалар муҳокама қилинар экан, давлатимиз раҳбари тўртта асосий йўналишни кўрсатиб ўтди.

Биринчи йўналиш — пахта ва ғалладан бўшаган 100 минг гектарни аҳолига бўлиб бериш. Бу орқали 600 минг аҳолини доимий

иш ва 900 минг кишини мавсумий даромад билан таъминлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсу- лотларини сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш бўйича 600 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилади. Халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинадиган 400 мил- лион доллар ҳам кўпроқ иш ўрни яратадиган лойиҳалар- га йўналтирилади.

Пилла етиштирувчилар- нинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида бу соҳа ҳам эркинлаштирилади. Энди пилла аҳолидан жаҳон биржаларидан кам бўлмаган нарҳда харид қилинади. Бу камида 500 минг аҳолини банд қилиб, даромадини 2-3 баравар ошириш имко- нини беради.

Иккинчи йўналиш — тад- биркорликни ривожлантири- риш. Бунинг учун ишсизлик кўп бўлган мингта маҳалла учун микро-марказлар таш- кил этилади. Ҳудудлардаги 255 та марказий ва 274 та маҳаллалараро кўчалар сав- до-хизмат кўчаларига ай- лантирилади. Автомобил йўллари бўйида 3 мингдан ортиқ ер майдонларини аук- ционга чиқариш ҳам сервис соҳасида янги иш ўринлари учун катта имконият бўлади.

Шу боис тадбиркорлик учун бўш ерлар ва объект-

ларни савдога чиқариш бўйича топширик берилди.

Учинчи йўналишда сано- ат соҳасидаги имкониятлар кўрсатиб ўтилди. Хусусан, 8 миллиард долларлик 300 та йирик лойиҳа, саноат зона- ларида 16 триллион сўмлик 1 минг 300 та лойиҳа нати- жасида юқори даромадли иш ўринлари пайдо бўлади. 536 та норуда кон аукцион орқали сотилиб, қурилиш материаллари соҳасида янги корхоналар ишга туши- рилади.

Умуман, инвестиция ло- йиҳалари ва маҳаллий сано- атда жами 320 минг доимий иш ўрни яратиш мумкинли- ги таъкидланди.

Тўртинчи йўналиш — қури- лиш соҳаси. Келгуси йили барча лойиҳалар доираси- да 90 минг хонадонли уй- жойлар барпо этилиши мўлжалланган. Президент қурилиш соҳасида ишга қабул қилиш бўйича меҳнат шартномаларини содда- лаштириш зарурлигини айт- ди. Бу норасмий сектордаги ишчиларнинг қонуний фао- лиятга ўтишига йўл очди.

Йиғилиш якунида Бош ва- зир ўринбосарлари, вазир- лар ва ҳокимлар белгилан- ган вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан ах- борот берди.

Ў.А.

### Биз ва жаҳон



## БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИНИ БИР ОВОЗДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

14 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси «Барқарор ривожланиш мақсадларида (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йилда- ги 75-сессиясида мазкур ре- золуцияни қабул қилишни та- қлиф этган.

Резолюцияда парламентлар- нинг COVID-19 пандемиясидан сўнг инклюзив, барқарор ва узоқ мuddатли тикланишни қўллаб-қувватлаш ва ҳеч ким ортда қолмаслигини таъминлаш учун барқарор ривожланиш бўйича ҳаракатларни жадал- лаштиришда бирлик, бирдамлик ва кўп томонлама ҳамкорликка қайтадан қиришдаги муҳим роли таъкидланган.

Бош Ассамблея давлатлар- ни БРМни кузатиш ва кўриб чи- қиш жараёнида, айниқса, ихтиёрий миллий шарҳларни тайёрлашда парламентларни қўллаб-қувватлаш ва жалб этишга ҳамда уларга миллий мулкчилик ва жавобгарликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш- да ёрдам беришга чақиради.

Гендер тенглигини таъмин- лашга алоҳида эътибор қара- тилмоқда, бу эса қонун чиқар- увчи органлар ва парламент жараёнларида аёлларнинг тўлиқ, тенг ва мазмунли ишти- рокини рағбатлантириш орқали БРМга эришиш йўлидаги та- раққиётни жадаллаштиришга қаратилган саяё-ҳаракатлар- нинг марказий элементи бўли- ши керак.

«Дунё» АА.

### Анжуман



## ҚўШМА ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Сенатида «Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш орқали тенгликка эришиш» қўшма лойиҳаси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Сенат Раиси Танзила Норбоева, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистонда- ги доимий вакили Матильда Димовска, Олий Мажлис юқори палатаси масъул ходимлари, БМТ Дининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва оммавий ах- борот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлис иштирокчилари Олий Мажлис Сенати ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзе- бкистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегия- сини амалга оширишни қўллаб- қувватлаш орқали тенгликка эришиш» қўшма лойиҳаси иж- роси якунларини, шунингдек, 2023 йилги иш режасини муҳо- кама қилди.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳа- нинг асосий мақсади гендер тенглик ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш борасидаги ти- зимли ўзгаришларни тарғиб қилиш, шунингдек, жамиятда мустаҳкам ўрнашиб қолган стере- отиплар ва меъёрларни ўзгартиришдан иборат.

Сенат Раиси Т. Норбоева лойиҳа билан ҳамкорликда ўтказилган умумий тадқиқот ҳар бир ҳудуд бўйича ало- ҳида гендер стереотиплар ва патриархал муносабатларнинг келиб чиқиш сабабларини, шунингдек, аҳоли ўртасида кам- ситишнинг турли шакллари

аниқлашга ёрдам берганлиги- ни алоҳида таъкидлади. Жум- ладан, биргаликда ишлаб чи- қилган тавсияларни қўллаш минтақавий, туман ҳамда ма- ҳаллий миқёсда аҳоли ва ти- зимли ўзгаришларни амалга оширишга, ахборот-маърифий томондан қўллаб-қувватлашга, фуқаролар масъулиятини ку- чайтиришга туртки беради.

Ўз навбатида, М. Димовска сўнги вақтларда Ўзбекистон гендер тенглиги масалалари бўйича яхши натижаларга эришганини таъкидлади. Халқ- аро миқёсда Ўзбекистоннинг бундай ижобий имижига алоқа- чон шакланган ва бу умумэ- тиروف этилган ҳақиқатдир. Шубҳасиз, Ўзбекистонда ген- дер тенглигини таъминлаш бо- расида салмоқли ишлар қилин- ди, бу борада муҳим қадам ва саяё-ҳаракатлар амалга оши- риляб, тизимли ва изчил давом эттирилмоқда.

Мажлис якунлари бўйича етакчи аёлларнинг ҳуқуқ ва им- кониятларини кенгайтириш, хо- тин-қизлар учун иқтисодий-иқти- содий шарт-шароитларни ях- шилаш, уларга нисбатан зўра- волиқнинг олдини олиш ва бунга қарши курашиш бораси- даги қўшма лойиҳа доирасида 2023 йилга мўлжалланган йил- лик иш режаси юзасидан так- лифлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

### ЁШЛАРИМИЗ ГЕРМАНИЯДА

## ЎҚИШ ВА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси кўмагида Ўзбекистон Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва Германиянинг «Simson Private Academy GmbH» ихтисослаштирилган академияси ўртасида эришилган келишувга биноан 16 нафар ватандошимиз Штайнбах-Халленберг шаҳрида жойлашган касб-ҳунар марказида металл ишлов бериш, пайвандлаш, автоматлаштирилган рақамли назорат ва компьютер ёрдамида лойиҳалаш соҳаларида ўқиш ва иш фаолиятини бошлади.

### «Халқ сўзи» учун махсус

Ушбу марказда ўзбекистонлик талабаларнинг ўқув йилини бошла- ши муносабати билан расмий маро- сим бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳар- нинг расмий ва ишбилармон доира- лари вакиллари қатнашди.

Штайнбах-Халленберг шаҳри ҳокими Маркус Бётхер ўзбек ёшлар- нинг чуқур ҳамда бўшқа йўналишларда ўз касбларининг етук мутахассислари бўлиб етишиши учун марказда за-

рур шароитлар мавжудлигини таъкид- лади ва ватандошларимизга муваф- фақият тилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Гер- мания саноат тармоқлари, хусу- сан, металл ишлов бериш, ма- шинасозлик ва автомобилсозлик, энергетика, электротехника, қури- лиш ҳамда бошқа йўналишларда ишчи кучи етишмовчилиги кузати- лмоқда. Германия иқтисодиёт

институты тадқиқот натижаларига кўра фақат юқорида келтирилган йўналишларда мамлакатда 440 мингга яқин мутахассисларга эҳтиёж мавжуд.

Натижада айнан ушбу соҳалар мутахассислари учун давлат то- монидан ажратиладиган махсус бю- джет маблағлари ва мутахассислар- нинг ойлик маошлари оширилиши режалаштирилган. Мамлакатда энг кам иш ҳақи соатига 12 евро қилиб белгиланган бўлса, метал- ла ишлов бериш соҳасида фао- лият юритаётган мутахассислар соатига 15 — 17 евро микдорда маош олмақда. 2023 йилга бориб мазкур соҳада фаолият юритиш учун тегишли касб-ҳунар мактаби- ни битирганлик дипломи бўлган мутахассисларга соатига 20 евро- гача маош белгиланиши кутилмоқда.

3



Давлатимиз раҳбари 13 декабрь куни «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти тизимидаги 18-автобус саройида бўлганида жамоат транспорти тизими шаҳар ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири экани, лекин бу борада Тошкент шаҳрида ўзгаришлар талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Президентимиз бу ҳолатни кескин танқид қилиб, кучайтирилган тартибда ишлаш, қатновлар тезкорлиги ва хизмат сифатини таъминлаш, ҳайдовчиларнинг ойлик маошларини ошириш бўйича кўрсатма берди.

### Таҳлил ва таклиф

Дарҳақиқат, кейинги йилларда янги Ўзе- бкистонни бунёд этишга қаратилган кенг қўла- ми ислохотлар силсиласида иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган ички ва ташқи транспорт тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг тегишли қарорларида, соҳа вакиллари билан ўтказилган селектор йи- гишлилари ҳамда тақдимотларда соҳани мо- дернизация қилиш, ривожланишини жаҳон ан- дозалари даражасига кўтариш, мавжуд сало- ҳият ҳамда имкониятлардан кенг фойдаланиш бўйича қатор топширик ҳамда кўрсат- малар берилди.

3

### Парламент назорати

## ВАЗИРЛИКЛАР АХБОРОТИ ТИНГЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан Туризм ва маданий мерос ҳамда Спортни ривожлантириш вазирликларининг «Туризм ва спорт соҳаларини ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, жорий йилда туризм соҳасида 200 мингта иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган бўлиб, яратилган қўлайликлар натижасида январь — октябрь ойларида 260,1 минг аҳоли бандлиги таъминланган. Шундан 253,4 мингтаги доимий иш ўрни экани таъкидланди.

Шунингдек, жорий йил давомида мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 3,6 млн. нафарга етиб, туристик хизматлар экспорти 1 110,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Маҳаллий сайёҳлар сони эса 8,5 млн. нафар бўлди.

Ҳудудларда 108 та янги меҳмонхона ҳамда 184 та хостел фаолияти йўлга қўйилиб, жами жойлаштириш воситалари сони 1 698 тага етказилди. 696 та оилавий меҳмон уйи очилиб, уларнинг умумий сони 3 139 та, ўринлар сони 27,5 мингтага етди. Сайёҳлар учун хизмат кўрсатувчи 212 та янги туристик ташкилот фаолияти

йўлга қўйилиши туфайли уларнинг сони 4 016 тага етказилди.

Жумладан, Зомин туманида «Everest plaza» МЧЖ томонидан меҳмонхона хизмати ташкил этилиши натижасида 22 та, Янгиер шаҳрида «Yangier Fish» МЧЖ томонидан умумий оқватланиш маркази қилиниши орқали 40 та, Бўстонлик туманида «Chinorkent» МЧЖ ва «Металл Клас» МЧЖ томонидан осма дор йўли ва дам олиш масканлари барпо этилиши ҳисобига 250 та янги иш ўрни яратилди.

Эшитув давомида спортни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳам ахборот берилди. Келтириб ўтилганидек, ҳисобот даврида спорт соҳасини ривожлантириш ҳисобига жами 4 053 та иш ўрни яратилган. Уларнинг 1 022 таси давлат ташкилотидан, 3 031 таси хусусий муассасаларда очилган.

2



# МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШДА ТИЗИМЛИ МУАММОЛАР МАВЖУД

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, қўмита экспертлари, тегишли давлат органлари ва ташкилотлари масъуллари, жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

## Сенат қўмитасида

Мажлисида "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуннинг ижро ҳолати ва қонунчиликдаги бўлиқлар ҳамда амалиётдаги муаммолар муҳокама қилинди.

Мулк ҳимоясини кучайтиришга қаратилган "Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари, масъул вазирлик ва идоралар томонидан муаллифлик ҳуқуқи бузилган шакллардан мурожаат келиб тушмагунга қадар уларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича муайян ҳаракатлар амалга оширилмаган.

Жумладан, айрим нашриётлар, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва бошқа фойдаланувчилар томонидан асар муаллифлари (мелодиқ)нинг руҳсатисиз улар асарларидан оқиндан-очик фойдаланиб келинаётгани, ушбу ҳолатлар устидан назорат тадбирлари лозим даражада амалга оширилмаётгани кўзга ташланмоқда.

Қолаверса, интеллектуал мулк соҳасини ҳимоя қилиш ва муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро шартномаларнинг қоида ҳамда нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасидаги ишлар ҳам тўғри йўлга қўйилмаган.

## Фикр

# СУДЛАРДА ИШЛАР ҲАМ ТЎҒРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМАГАН

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси соҳадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.



«Халқ сўзи».

Шулардан келиб чиқиб, сенаторлар томонидан тегишли вазирлик ва идораларга соҳадаги қонунчиликни тақомиллаштириш, муаллифларга ҳуқуқини янада кенгроқ тушунишлариغا кўмак бериш, тарғибот ишларини кучайтириш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлашда ташаббускорликни ошириш бўйича кўрсатма ва вазифалар белгилаб берилди.

Мажлисида қўрилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

## Фармон ва ижро



# ТИББИЙ ХИЗМАТДА СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ЗАРУР

Парламент кўйи палатасида Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент комиссияси ва Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Депутатлар дастлаб Президентимизнинг "Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш яқунлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Фармон ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилган. Яъни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ҳудудлардан олинган маълумотларга кўра, жорий йил 1 июндан бошлаб тизимдаги 471 миң 506 нафар ходимга 10 фоиз ва 15 фоиз тўловлар учун 664 млрд. 512 млн. 258 миң сўм миқдорда қўшимча маблағлар тўлаб берилган.

Йиғилишда депутатлар тизимда олиб борилган ишларни эътироф этиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тегишли вазирликлар билан биргаликда Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш жағмафаси маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқлаш, республика бўйича жағмафма маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш юзасидан зарур чоралар кўриш бўйича тегишли тавсиялар беришди.

Кун тартибидеги кейинги масала — соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган маблағларнинг самарали ишлатилиши кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, аҳоли саломатлигини яхшилаш, фуқаролар соғлигини сақлашни таъминлашга қаратилган давлат дастурлари ижроси бўйича индикатор кўрсаткичлари мутахассислар томонидан таҳлил қилинди. Жумладан, болаларни вакциналар билан таъминлаш дастури, ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастури бўйича ва бошқа бир қатор дастурлар ижроси ўз вақтида таъминланган.

Шунингдек, тасдиқланган режага нисбатан, кам учрайдиган (орфан) ҳамда бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастури бўйича 99 фоиз маблағ сарфланган.

Бироқ нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш, одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликлар тарқалишига қарши курашиш, болалар ва аёлларни махсус препаратлар билан таъминлаш, гематология ҳамда трансфузиология хизматларини юксалтириш, болалар тиббиёти ва туғруқ муассасаларини ривожлантириш дастурлари ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлашга доир дастур ижроси учун мўлжалланган маблағлар ўзлаштирилишида бир қатор камчиликлар мавжудлиги депутатлар томонидан танқид қилинди.

Депутатлар соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, тиббий жиҳозлар, дори воситалари ва тиббий буюмларни марказлашган ҳолда харид қилиш, тизимда давлат харидлари механизмларини тақомиллаштириш юзасидан тегишли тақлифлар беришди.

Шунингдек, депутатлар Қонунчилик палатаси томонидан аҳолини қоронғиларга қарши оммавий эълан тадбирларини ташкил этиш юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини ҳам кўриб чиқилди.

Яқунда қўрилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# ИККИ ДАВЛАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯҚИНЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ҚЎЛЛАНМА

Олий Мажлис Сенатиде "Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси" бўйича амалий қўлланма тақдимотиға бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир парламент оқори палатасининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси, Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

## Давра суҳбати

Унда сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлиснинг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи аъзолари, илмий ходимлари, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти Илмий экспертлик кенгаши, "Қонунчилик муаммолари ахборотномаси" даврий нашри таҳрир хайъати, палаталар ҳузуридаги Ёшлар парламент-

Тадбирдан кейинги йилларда Ўзбекистонда парламентлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга юқори даражада аҳамият қаратишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида парламентлараро мулоқотлар жуда фаоллашган, ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда турли халқаро конференциялар ўтказиш, кўп томонлама парламент ташкилотлари доирасида ҳамкорлик қилиш ва мунтазам делегациялар алмашиш ишлари изчил йўлга қўйилган. Бу, албатта, соҳадаги ўзаро шериклик ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Тадбирда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари директори Фозилжон Отаонов Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси ва унинг органлари, жумладан, қотибятиги, бюджет бошқармаси, кутубхона ва тадқиқот хизмати каби тузилмалар, уларнинг асосий функциялари ва ўтган давр мобайнидаги фаолияти, эришган ижобий натижалари, шунингдек, қонун ижодкорлиги фаолияти ва Миллий Ассамблея фаолиятига доир бошқа масалалар мазкур тўғрисида ўзини олганлиги усту берди. Ушбу нашр эса икки давлат миллий қонунчилигини ривожлантириш ва яқинлаштириш учун ўзига хос амалий қўлланма бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Тўғлам депутатлар, сенаторлар, парламент палаталари ва маҳаллий Кенгашлар, тадқиқотчилар, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган. Анжуман давомида парламентимиз аъзолари ва экспертлар томонидан тўғламни олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот муассасалари, ахборот-кутубхона марказларига ҳам юбориш тўғрисида тақлифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

# ВАЗИРЛИКЛАР АХБОРОТИ ТИНГЛАНДИ

Масалан, хусусий сектор бўйича олиб борилган таҳлилларга кўра яратилган иш ўринларининг асосий қисми спорт объектлари ҳамда клублари, фитнес-клублар, спорт таълим муассасалари ва спорт соҳасидаги бошқа фаолиятлар ҳисобига тўғри келади.

Шунингдек, ҳар иккала вазирлик ҳисоботида ҳам ушбу йўналишларда ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳисобига яратилган иш ўринлари бўйича маълумотлар тақдим этилмагани айтилди.

«Халқ сўзи».

## Эшитув

# МИЛЛИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ДЕПУТАТЛАРНИ ҚОНИҚТИРДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қишлоқ ҳўжалиги ва Сув ҳўжалиги вазирликлари, Урмон ҳўжалиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмиталарининг "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар бажарилиши тўғрисида"ги ахборотлари эшитилди.

Таъкидланганидек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш учун юрти- мизда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик масалаларга оид 17 та миллий мақсад ва уларга эришиш бўйича 126 та мақсадли вазифа ҳамда 206 та индикатор, яъни мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланган.

Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги мамлакат аҳолиси эҳтиёжи учун етарли, хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат тизимини мустаҳкамлаш, аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш мақсадида самарали ва уюшган бозорларни йўлга қўйиш устида иш олиб бормоқда. Соҳага илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни кенг жорий этилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳосилдорликнинг ошишига хизмат қилмоқда. Масалан, 2017 йилда пахтачиликда ўртача ҳосилдорлик гектарига 26,4 центнерни, галлчиликда 58,7 центнерни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда пахтачиликда 34, галлчиликда 69,7 центнерга етган.

Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалигида бозор муносабатларига мос замонавий ҳўжалик юритиш усули ҳисобланган кластерлар фаолияти шакллантирилиб, шу йил 136 та туманда 134 та пахта-тўқимачилик кластерига асос

минераллаштирилган полосулар қуриш, 859 км. масофада ўрмон ҳўжалиги аҳамиятига эга бўлган мавжуд йўлларни таъмирлаш каби тадбирлар амалга оширилган.

Шу билан бирга, ўрмон фондига қарашли 215 миң гектардан ошмиқ майдонларда ўрмон барпо этилди. Хусусан, Мўйноқ туманида 107 миң гектар, Орол-бўйи минтақасига кирувчи Бухоро вилоятида 40 миң гектар, Навоий вилоятида 50 миң гектар, Хоразм вилоятида 11 миң гектар майдонда саксовал ва бошқа чўчи ўсимлиқларидан "ашиқ қопламалар" барпо этилди.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ўтган даврда чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш учун умумий қиймати 20,1 трлн. сўмлик 5,8 миңгача бўлган лойиҳалар амалга оширилди. Натижада биргина қорамолчилик йўналишида 3 миңдан ортиқ янги ҳўжалиқлар ташкил этилди. Шунингдек, чорвачилик ҳўжалиқлари сони 18 167 тага етказилган. Барча тоифа ҳўжалиқларида парвариш қилинаётган қорамоллар улущининг 91,7 фоизи аҳоли хонадонларига, 8,3 фоизи фермер ҳўжалиқларига тўғри келмоқда.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда депутатлар ҳар бир вазирлик ҳамда идора раҳбарлари ва мутасаддиларига 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш, йўл қўйилган хато ҳамда камчиликлар юзасидан аниқ ва қатъий чоралар кўриш бўйича тақлифлар беришди. Вазирлик ва идораларнинг барқарор ривожланиш соҳасидаги ҳисоботлари тизимли рапоратга олиб борилиши алоҳида қайд этилди.

Кун тартибидеги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссия томонидан эшитув ўтказилди.

Унда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси ўринбосари Р. Турдибоевнинг "Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила маъддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олиш тўғрисида"ги ахбороти тингланди.

# НЕГА ЁШ ОИЛАЛАР ЎРТАСИДА АЖРАЛИШЛАР СОНИ ОШИМОҚДА?

Таъкидланганидек, юртимизда азалдан оила муқаддас қўрғон сифатида эъзозланган. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг ўрни беқуб. Асосий Қонунимизда ҳам оила жамятининг асосий бўлини ҳамда жамяят ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Аммо сўнгги пайтларда қизларни эрта турмушга бериш, уларнинг орзулари, интилишлари билан қизқимаслик туфайли оилавий ажралишлар сони ортмоқда. Аниқлиги, ёшларни оилага тайёрлаш, масъулиятни ўргатиш ўрнига дабдабага, мол-дўнбга оидлик, шов-шувларга интилиш ҳолатлари оилалик мустаҳкамлигини таъминлашга салбий таъсир қўрсатмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда оилалар сони 9 503 244 та бўлиб, ундан 30 ёшгача бўлган ёш оилалар 2 886 296 тани, биргина жорий йилнинг октябрий ойи якунига кўра эса янги расмийлаштирилган никоҳлар сони 214 923 тани ташкил қилмоқда. Лекин шу йилнинг январь — октябр ойларида 40 200 та оилавий ажралиш қайд этилган. Турмуш қурганига 5 йил тўлмаган оилалар ўртасидаги ажралишлар 17 628 тага етгани эса ачинарли.

Эшитув давомида депутатлар қўмита томонидан оилавий ажралишларнинг олдини олиш, қизларни эрта турмушга узатиш борасида қандай ишлар амалга оширилаётгани билан қизиқди.

Р. Турдибоевнинг айтишича, никоҳланувчи шахсларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ажралишларнинг олдини олиш мақсадида 60 580 нафар никоҳланувчи шахс Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида ўқитилган. "Фаровон оила — келажак пойдевори" шиори остида оилаларни мустаҳкамлаш борасида 109 594 та тарғибот тадбири ўтказилган. Мўҳими, 12 710 нафар ноқонуний никоҳ асосида яшаб келаётган оилаларнинг никоҳи қонуний расмийлаштирилган.

«Халқ сўзи».

Даврон АРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



# ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЛОГИСТИКА САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙДИ



**1** Мамлакат транспорт тизими салоҳиятини мустаҳкамлашдан асосий мақсад — Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўрсатилган миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини кўтариш, унинг барқарор ривожланишини ҳамда ҳар бир минтақада турмуш фаровонлиги, ҳаёт сифатини оширишни таъминлашдан иборат. Транспорт тизимининг барқарор ривожланиши давлатнинг узоқ муддатли геосийосий ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари билан бевосита боғлиқ.

## Соҳа равнақидаги тўсиқлар

Транспорт бизнесининг табиий хусусиятлари шундаки, ташиш маҳсулотлари бир вақтда ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади, уни сақлаб бўлмайди. Юк ва йўловчиларни ташиш жараёни ниҳоятда сармояталаб соҳа: транспорт воситаларини сотиб олиш, йўл иншоотларини қуриш, уларни эксплуатация қилиш ва техник ҳолатини керакли даражада ушлаб туриш учун анча вақт ва кўпгина капитал талаб этилади. Транспорт фаолиятдан топилган қиймат ташишдан қиймат эса истеъмол қилингандан сўнг батамом тугатилади. Транспорт бизнесида ташувчи компания ўз фаолиятида даромадди тобора оширишни хоҳлайди, яъни ташиш нархи қанча кўп бўлса, нега шунча яхши, истеъмолчи эса ташишнинг тез ва арзон бўлиши тарафдори.

Хозирги кунда мамлакат ЖАИМда ташиш секторининг улуши 5,5 фоиз, асосий фондларда 10,2 фоиз, иқтисодийдаги бандликда 4,3 фоиз, аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларда 24 фоизни ташкил этади. Кейинги 10 йил ичида юк айланмаси йилга ўртача 1,9 фоизга, йўловчи айланмаси 4,1 фоизга ўсди. Шахсий транспорт бугунги кунда оммавий жамоат транспортда юк ва йўловчилар ташишининг бир қисmini нафақат қисқа масофали йўналишларда, балки шаҳарлараро алоқаларда ҳам тобора кўпроқ эғзалаб олмақда.

Сир эмаски, соҳада ҳал қилинмаган қатор мураккаб муаммолар сақланиб қоляпти. Хусусан, институционал ва таркибий изолятлар тугалланмаган, соҳани давлат ва бозор томонидан тартибга солиш механизмлари етарли даражада мувофиқлаштирилмаган. Бу жараёнда соҳанинг монополизацияси ташиш хизматлари бозорига транспорт компанияларининг самарали ишлаши учун жуда муҳим бўлган тўлақонли рақобат муҳити шаклланишига тўсқинлик қилмоқда. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларга нисбатан мамлакатимизда автомобиль ва темир йўлларнинг зичлиги паст ва муқобил йўналишлар етарли даражада эмас. Хусусан, темир йўл транспортининг маневрчанлиги сустлиги боис унинг мамлакат япти ички маҳсулотига қўшадиган ҳисса паст бўлиб қоляпти.

Бундан ташқари, икки йўли линияларнинг улуши йўллар умумий узунлигининг 12 фоизидан камдир. Бу ҳам йўловчи ва юкларни, тез бузиладиган мева-сабзавотларни ички йўналишларда ташиш имкониятини пасайтиради. Қолаверса, транспорт логистикасини ривожлантиришда керакли даражада мувофиқлаштириш ва тизимлилик ҳалғича мавжуд эмаслиги боис мамлакатимиз логистика самардорлиги рейтингини қониқарли

эмас. Иқтисодийга транспорт юкларини, гарчи мустақиллик даврида уч баробарга қамайган бўлса-да, лекин ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар билан солиштирганда ҳамон юқориликча қолмоқда. Барча тармоқда транспорт воситаларининг эскириш тенденцияси давом этмоқда. Аини шу жиҳатлар соҳанинг жадал равнақиға тўсиқ бўляптир.

## Рақобатбардош тизимни шакллантиришда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозим?

Хозирги шароитда халқаро транспорт йўлакларининг миллий элементи бўлган тармоқларни жойлаштиришни ўзига хос экстерриториаллик хусусияти ҳамда транзит трафикнинг мураккаб ва серҳаракатли транспорт тугунларини четлаб, энг қисқа йўналишлар бўйлаб ўтказиш устуворлигидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозим. Хуллас, яқин ва узоқ келажақда мамлакатнинг яхлит транспорт тизимини босқичма-босқич шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Рақобатбардош тизимни шакллантиришда транспорт хизматларини етказиб бериш имконияти талабдан ортқоқ бўлиши учун керакли шартларни яратиш, юқори сифатли хавфсиз воситалар ва инфратузилмани шакллантириш, соҳани тартибга солишни прогрессив меъёрлар ва қондаларни қулайтириш, замонавий логистика илмига асосланган юксак сифатли хизматларни ривожлантириш, тармоқ учун малакали ходимларни тайёрлаш каби асосий компонентларга эътибор қаратиш зарур.

Хозирги кунда соҳада бозор субъектлари бўлиши барча давлат ва нодавлат корхоналари ўртасида, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, оқилона транспорт муносабатларини белгилайдиган исратикболли таъминлаш, тизимни тартибга солишни янги қондалари, самарали механизмларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришни замонавий ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Тизимнинг барқарор ишлаши, биринчи навбатда, соҳанинг монополияга қарши тартибга солиш механизмни таъминлаштириш ва транспорт хизмати бозорининг рақобат секторига эркин нархларга босқичма-босқич ўтишни талаб қилади. Бу, айниқса, муқталоқ монопол мавқега эга деб аталмиш темир йўллар учун жуда муҳим. Жаҳон амалиётида, масалан, АҚШда деярли барча темир йўл компаниялари хусусий бўлиб, уларнинг сони 560 дан ортқики ташкил этади.

Ушбу янгиланган тартиб доирасида ташувчи операторлар ўртасида соғлом рақобат муносабатларини ўрнатиш учун аниқроқ регламент қондалари талаб этилади. Транспорт хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ташувчиларга нисбатан қатъий талаблар (жавобгарлик ва рағбатлантириш), назорат қилувчи маҳаллий ва республика органлари, жамоат ташкилотларига — ташиш сифати ва самардорлиги, шунингдек, хизматларнинг тўлалиги ва ҳаммабдоғлиги, транспортнинг қулайлиги, ишончилиги, техник ва экологик хавфсизлиги бўйича қўйиладиган аниқ ва қатъий талабларни белгилаш лозим.

## Транспорт стратегиясини яратиш долзарб масала

Кузатишларимиз шунини кўрсатмоқдаки, тизимни замон талаблари асосида ривожлантириш учун давлат транспорт стратегиясини яратиш зарурати долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Фикримизча, ушбу стратегияда мамлакат транспорт коммуникацияларини 2050 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва модернизациялашнинг бош схемаси ҳамда уни амалга ошириш механизмлари ўз аксини топиши лозим. Шунингдек, унда транспорт тизимини инновацион тараққий эттиришнинг оптимал йўналишларини топиш, инфратузилманинг барча элементини янада комплекс ва мултасоби ривожлантириш учун керакли маблаг манбаларини шакллантириш, тизимнинг хавфсиз ва самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитларни яратиш, соҳада давлат-хусусий шерикликнинг самарали шакллари ҳамда механизмларидан фойдаланиш каби жиҳатларга ҳам устувор аҳамият қаратиш зарур.

Давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш орқали хулоса қилиш мумкинки, соҳада хусусий сектор билан шериклини юк ва йўловчилар ташишни рақамлаштириш асосида ташкил этиш, ҳаракатни бошқаришга энг илғор технологияларни жалб қилиш, ахборот сифати ва тезлигини ошириш, темир йўлларни электрлаштириш, икки йўли участкаларини қуриш, станцион йўлларни узайтириш, автомобиль йўлларини кенгайтириш ва модернизациялаш, тўхташ жойлари сонини кўпайтириш орқали йўлларнинг ҳаракат ўтказиш қобилиятини ошириш, миллий ҳудуддаги халқаро транзит темир йўл ва автомобиль йўлакларини янгилаш ҳамда реабилитациялаш истиқболли ҳисобланади.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришни молиялаштириш тўдан таъминлаштириш зарурати ҳам мавжуд. Бунда банк фоз субкаваларининг бир қисмини Давлат бюджетидан субсидиялаш орқали лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит ресурслари мавжудлигини кенгайтириш, маҳаллий ва хорижий инвестициялар учун кафолатлар бериш, операцион харажатларнинг тегишли қисмини қоплаш мақсадида инфратузилмадан фойдаланганлиги учун тўлов элементларини ошириш мумкин. Шунингдек, капитал талаб қиладиган лойиҳаларни хусусий сектор иштирокида молиялаштириш учун қўшма корпоратив тузилмаларни ташкил этишга қўмақлаштириш керак.

Хозирги вақтда темир йўлларни қайта таркибли зарурати мавжуд бўлиб, бу уларни кетма-кет демонополизациялашни назарда тутаяди. Бу ерда рақобат муҳитини шакллантиришнинг асосий вазифалари — муштакли логистик компанияларнинг қонун билан кафолатланган ҳолда темир йўл инфратузилмасига дискриминациясиз киришини, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун белгиланган талабларни инноватга олишдан иборат. Темир йўл транспортини ривожлантиришни молиялаштириш муаммосини мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, Хитой ҳамда бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб, хусусий капитални жалб қилиш орқали махсус Темир йўлларни ривожлантириш жамғармасини тузиш мақсадида мувофиқдор.

Халқаро транспорт йўлакларини йўналиши бўйлаб йирик транспорт марказларида мультимодал логистика марказлари ва кластерларини ташкил этиш, логистика жараёнида илғор технологиялар асосида ишлаш ва иштирокчиларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлигини таъминлаш, ташқи алоқаларга тегишли товарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда замонавий логистика марказларининг шаклланиши ўсишнинг стратегик нуқталари сифатида қаралади. Транспорт ва логистика мутахассисларининг кенг доираси учун узлуқсиз таълим тизимини яратиш мақсадида Тошкент давлат транспорт университети қошида Транспорт логистикаси илмий-ўқув марказини тузиш тақлиф этилади.

## Истиқбол ва имкониятлар

2050 йилгача бўлган даврда соҳада қатор муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мумкин. Маълумки, Буюк Ипақ йўли Зангизўр йўлакнинг Қашгар — Уш темир йўли қисмини қуриш бўйича ШХТнинг Самарқанддаги саммитида дастлабки қадам қўйилди. Ушбу йўлакни Асака — Поп — Охангарон — Пахтакор — Қонимех — Азанир — Мискин йўналишида давом эттириш, кейин Оқтов порти орқали Эрон, Туркиядан Европага юк ва йўловчиларни етказиб бериш мавжуд йўналишларга нисбатан 1100-1400 километрга қисқароқ. Транспорт харажатларининг пастлиги Ўзбекистоннинг ташқи бозордаги рақобатбардошлик мавқеини мустаҳкамлайди, транзит ташкидан тушадиган қароматлар 2,5-3 баробарга олади. Бу йўлакнинг барпо этилиши бир қатор ҳудудларда транспорт хизматларини кўпроқ кўрсатишга имкон беради. Бундан ташқари, бир неча йирик транспорт тугунларини четлаб ўтиш мумкин иқтисодий, ижтимоий ва экологик таъсир кўрсатади.

Марказий Осиё мамлакатларининг Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа Жанубий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларининг истиқболли ривожланишида Транскаспий йўналиши бўйича Хайратон — Қобул — Пешовар ва Мозори-Шариф — Ҳирот — Қандаҳор темир йўлларини қурилиши Ҳинд океанининг Карачи, Бендер-Аббос, Бомбей ва бошқа денгиз портларига чиқишда ва ташқи фаолиятдан катта даромад тушишида муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакат экспорт салоҳиятининг ўсиши нуктаи назардан Шимолий Европа мамлакатларидан, шунингдек, Россия ва Қозғистондан Покистон, Бангладеш, Ҳиндистон ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларига Шимол — Жануб коридорини бўйича Санкт-Петербург — Самара — Оқтўба — Қизил Ўрда — Учқудуқ — Бухоро — Туркманобод — Қушка — Ҳирот — Бендер-Аббос йўлаги бўйлаб Эрон, Туркияга ёки Термиз — Қобул — Пешовар — Деҳли/Карачи орқали Жанубий Осиё давлатларига ўтадиган юк ва йўловчиларни ташиш мамлакат транзит оқимини ривожлантиришда истиқболли соҳа ҳисобланади.

Яқин келажақда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик нуктаи назардан Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Андижон йўналишларида юқори тезликда пуллик ҳаракатни таъминловчи автобанларини ҳамда йирик шаҳарларнинг мураккаб транспорт тугунларига кириб боришдаги муаммоларни ечиш учун ер усти халқа йўлларини давлат-хусусий шериклик шароитида қуриш ҳам самарали бўлиши мумкин. Тезрояр ва ўта тезрояр темир йўл поездлари ҳамда жамоат автобусларининг "яшил ҳаракати"ни ички ва ташқи йўналишларда кенгайтириш, метрополитенни Тошкентда ва унинг атрофида, узоқ келажақда Самарқанд, Наманган, Андижон ва Фарғона — Марғилонда, трамвай-троллейбус, электромобилларни барча йирик ва ўрта шаҳарларда ривожлантириш анча бой экологик, ижтимоий ва иқтисодий самара беради.

Транспорт мажмуасини илмий жиҳатдан таъминлаш мақсадида дастур орқали амалга ошириш зарур. Ушбу дастур доирасида транспорт ва логистикани кенг ривожлантиришнинг энг долзарб йўналишларини тақдир қилиш, транспорт мажмуасини лойиҳалаш ва унинг илмий-меъёрий асосини шакллантириш ҳамда соҳада илмий тадқиқот ва лойиҳа



**Камол ЎЛЖАБОВЕВ,** иқтисодий фанлари доктори, профессор



**Васила ЯРАШОВА,** иқтисодий фанлари доктори, доцент.

дастурларини амалга ошириш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида Тошкент давлат транспорт университети қошида илмий-тадқиқот институти ва Транспорт вазирлиги ҳузурига Транспорт лойиҳа ва илмий-тадқиқот институти ташкил этилиши лозим.

Транспорт соҳасидаги илм-фан хизматларини молиялаштириш учун Давлат бюджетте маблағлари билан бир қаторда халқаро ташкилотлар, хусусий инвестор ва донорлар маблағларидан фойдаланишни мақсадага мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, автомобиль ва темир йўл тармоқларини кенгайтириш, юқори самарали логистика технологияларини жорий этиш, юк ва йўловчилар ташишини оптимал даражада тақсимлаш харажатларини қамраб олишга имкон беради.

Тизимда янги қурилиш ва модернизациялашни амалга ошириш учун келажақда соҳага кириштирилган инвестиция ҳажми йилга 4,5-5 млрд. АҚШ долларидан кам бўлмаслигини таъминлаш лозим. Бунинг натижасида ташиш сифати сезиларли даражада яхшиланади, товарларнинг яқиний нархида транспорт компонентининг қамийиши миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини анча кўтараяди. Минтақаларда янги транспорт йўлакларини атрофида хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик қўламининг ўсишига олиб келади, туризм ва бошқа хизматларнинг қўламини, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги жадал ривожланиши билан ташиш, сақлаш ва бошқа соҳаларда янги иш ўринлари яратилади. Натижада аҳолининг даромадлари қўламини, улар тўлов қобилиятини ошиши иқтисодийнинг юқори ўсиш суратларини таъминлайди. Пировардида минтақаларда барқарор ижтимоий ва иқтисодий ўсиш учун яна бир ишончли база яратилади.

Транспорт инфратузилмасининг илдам ривожланиши ҳудудларда ишлаб чиқариш объектларини мақбул жойлаштириш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, товарлар ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорларини кенгайтириш имконини беради. Халқаро транспорт коридорларига туташ йўналишларда янги темир йўл ва автомобиль йўлакларини шакллантириш Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини мустаҳкамлайди, жаҳон бозорига интеграциялашувини яхшилайди, ташқи бозорда транспорт хизматларини диверсификациялаш минтақда экспорт имкониятларини кенгайтиради.

Мамлакатнинг транзит салоҳиятини ошириш учун фойдали халқаро альянсларни шакллантириш, унинг Евросиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕОИХ), Евросиё бошхона иттифоқи ва Жаҳон савдо ташкилотига қулай шартларда кириши ва шунга тегишли иқтисодий ҳамда ҳўжалик механизмларни ишлаб чиқишни талаб этади. Бу мамлакат ҳўжалик субъектларига транзитдан фойда олиш, халқаро транспорт йўлакларининг устувор ривожланиши хисобга олган ҳолда инфратузилмани модернизациялаш дастурларини амалга ошириш, асосий халқаро йўлаклар ва бошқа тадбирларни тўлдирувчи транзит йўлларини яратиш ва тараққий эттиришга имкон беради. Яъни мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш келгуси йилларда янги Ўзбекистоннинг истиқболли салоҳиятини янада мустаҳкамлашнинг муҳим омилли бўлади.

# ЁШЛАРИМИЗ ГЕРМАНИЯДА ЎҚИШ ВА МЕЊНАТ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ



— Бизнинг касб-ҳунар марказимиз Тюрингия ўлкасидаги қўлаб корхоналар билан ҳамкорлик қилган ҳолда уларнинг талабига биноан юқори малакали мутахассисларни етиштириб беради. Утган ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистондан ҳам касбий таълим асосида Тюрингияга тақлиф қилиш лойиҳаси асосида талабаларни жалб этаётганимиздан мамнунмиз. Ушбу ўқув йилида Ўзбекистондан

этила бошланди. Бу ҳар икки томон учун муваффақиятли лойиҳадир, деб ҳисоблайман, — деди академия раҳбари Макс Роймшюссель.

Маросим якунланганидан сўнг ўзбекистонлик талабалар илк маҳорат дарсини ўтишга тақлиф этилди.

— Марказнинг ўзига ҳослиги шундаки, ёшлар нафақат турли блокларда назарий билим олади, балки амалий машқларга ҳам жалб қилинади, — дейди М. Роймшюссель. — Сўнгра олинган кўникмаларни тегишли корхоналарнинг машғулот жойларида ҳаётга таътиб этади. Бунда талабаларга иш фаолияти учун ойллик маош хисобидан тураржой, яшаш ва бошқа харажатларни қоплаш учун етарлича стипендия бериледи.

Академия раҳбарининг айтишича, иш жараёнидан келиб чиққан янги билим ва кўникмаларни талабалар устувор билан

мунтазам таҳлил қилиш имкониятига эгадир. Талабалар Тюрингиянинг "Hehnlke GmbH & Co. KG", "TKF Thüringer Kugellagerfabrik GmbH", "Kaesner-Tools GmbH", "Stafemo GmbH", "IAA Industrieanlagenbau Arnstadt" ва "FGB Präzisionsmaschinenbau GmbH" каби йирик корхоналарида амалиёт ўтади ва олган барча назарий билимларини амалда қўлаш имкониятига эга бўлади.

Академия битирувчилари нафақат Германияда, балки бошқа мамлакатларда ҳам меҳнат фаолиятини давом эттириши мумкин. Чунки "Simson Private Academy GmbH" дипломи халқаро миқёсда тан олинadedи. Ўзбекистонлик талабалар ҳам битирув имтиҳонларини муваффақиятли топиштириганидан кейин ўзлари хоҳлаган мамлакатда ишлашлари мумкин бўлади.

«Дунё» АА. Берлин



Бухоро шаҳрида жойлашган собиқ трикотаж фабрикаси бино-иншоотлари йиғирма йилдан зиёд қаровсиз ҳолда ётди. Ниҳоят мазкур гўшага ҳаёт нафаси қайтди. Энди ҳар тонгада ўнлаб ишчи-ҳодимлар шу маскан сари ошиқайтганини кўриш мумкин.

## Жараён

Гап шундаки, мазкур иншоотлар "Файрат Чодак" МЧЖга "ноль" ҳарид қийматида берилганидан сўнг сармоядор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида бу ерга 18 ой давомида 8 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя кириштиш ва биринчи босқичда 750 та иш ўрни яратиш мажбуриятини зиммасига олди. Шу тарафа салкам тўрт гектар ҳудудда кенг қамровли реконструкция, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бинолар замонавий технологик линиялар билан жиҳозланди. Вилоятнинг энг янги саноат "харитаси"да жинс матосидан тикувчилик маҳсулотлари ва спорт оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисос-

лаштирилган "Ekvatorial Chodak" корхонаси пайдо бўлди. Эътиборлиси, яқин истиқболда бу ерда тўқув, бўёқ ва тикув фабрикалари яхлит ҳолда фаолият юрятади. Шу йўналишдаги ишлар якунига етган ишчи-ҳодимлар сони тўрт ярим бараварга ошиб, 1 300 нафарга етади. Мухими, корхонада йилига 20 миллион АҚШ доллари қийматида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Айтиш жоизки, "Файрат Чодак" тадбиркорлари аҳоли тигиз яшовчи Шофиркон ва Вобкент туманларида йирик корхоналар фаолиятини йўлга қўйиб, юзлаб иш ўринларини яратган. Бу тажриба уларга яна бир истиқболли бизнес лойиҳани рўёбга чиқаришда асқатади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАХИРАСИ ЕТАРЛИМИ?

Қиш-бахор мавсумида Оролбўйи аҳолисини сифатли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, мавсумда нарх-наво ошиб, таққислик юзага келишига йўл қўймаслик борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

## Таъминот

Маълумотларга қўра Қорақалпоғистон туман ва шаҳарларида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган 56 миң тонналик 388 та омбор-

хона мавжуд. Шундан 65 таси мулатқичли омборхоналар бўлиб, уларнинг жами сийми 25 миң 375 тоннани ташкил қилади. — Аҳоли ҳамда ижтимоий

соҳа муассасаларининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилаяпти, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи М. Қурбаниязов. — Шу мақсадда 35 миң 55 тонна асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, 8 577 тонна картош-

ка, 5 197 тонна пивё, 10 миң 220 тонна сабзи ва 11 миң 60 тонна гуруч маҳсулотларини махсус омборларга захира учун жамғариш режалаштирилган. Бугунги кунда тайёрловчи корхоналар ва ижтимоий соҳа муассасалари томонидан 33 миң 954 тонна озиқ-овқат маҳсулотли захирга жамғарилди. Бундан ташқари, Оролбўйининг бориш қийин бўлган олис овулларидаги 8 та аҳоли пунктга 712 тон-

на ун, 48,2 тонна ўсимлик ёғи, 109,5 тонна шакар, 97,3 тонна гуруч, 261,1 тонна картошка етказиб берилди.

2023 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё, Қонликўл, Тўртқўл, Шуманай, Эликқалъа туманларида инвестиция лойиҳалари асосида сийми 5600 тонналик махсус омборхона қурилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар амалга оширилган озиқ-овқат маҳсулотларини захирга жамғариш имкониятлари янада кенгайди.

Файрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).



# САНОАТ «ЗАНЖИРИ» — АГРОИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Наманган вилояти иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўрни ниҳоятда салмоқли. Бу, биринчидан, эл дастурхони тўқинлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлса, бошқа жиҳати минтақада текстиль саноатининг жадал ривожига, қайта ишлаш корхоналарининг барқарор фаолияти учун етарли даражада хомашё етказиб бериш заруриятини кун тартибига қўяди. Жорий йил мавсуми ҳам аграр соҳанинг барча йўналишида кўзда тутилган натижаларга эришиш билан якунланмоқда.



барча бўғинида 4600 дан кўпроқ кишилар доимий меҳнат билан банд. Қулоққа ёқадиган бундай ўзгаришлар аграр соҳанинг бошқа йўналишлари, айтиллик, мева-сабзавот еттиштиришда ҳам кузатишмоқда. Вилоятдаги 33 минг гектарга яқин боғлар чинакам саховат майдонига айланган. Кейинги пайтларда уларнинг катта қисмидаги эскирган мевали дарахтлар бозорбоп, юқори ҳосиллиқ навлар ҳисобига янгиланди. Иқтисодлаштирилган фермер хўжалиқлари хориждан келтирилган олма, нок, олхўри ва бошқа мева кўчатларидан иборат интенсив боғларни қўлайтиришдан мақсаддор. Хосилни қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат яратувчи маҳсулотга айлантириш ҳам кун тартибига. Ҳаво ҳарорати бирмунча мўътадил бўлган Янгиқўрғон тумани мева-сабзавотчиликка иқтисодлаштирилганга кўп бўлгани йўқ. Худуддаги фермер хўжалиқларининг асосий қисми кластер шаклидаги "Янгиқўрғон агроинвест" маъмулиятчи чекланган жамияти билан иш олиб бормоқда. Бу йилги мавсум баракали келиб, тумандаги боғлардан 30 минг тоннадан ортиқ ҳосил йиғиб олинди. Унинг йилги-терим мавсумида бозорга чиқариладиган қисми қишга жамғарилган бўлса, 400 тоннадан кўпроғи қайта ишловдан ўтказилиб қадоланди. Хозирга қадар 500 минг АҚШ доллари қийматидаги тайёр маҳсулот экспорт қилинди. "Чуст туманида ташкил этилган "Siberian Welness Namangan" хорижий корхонаси Россиялик ҳамкорларнинг 20,9 миллион АҚШ доллари миқдоридagi тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобига 250 гектар майдонда

интенсив боғлар яратди. Айни чоғда улар ҳосилга қира бошлаган. Корхона ўзининг иқтисодлаштирилган заводида бу йил икки минг тонна мевани қайта ишлаб, Россия ва Европа давлатларига 18,5 миллион АҚШ долларига тенг экспорт амалларини ажратиб улгурди. Хорижий корхона Чортоқ туманида ҳам 679 гектар ерда интенсив боғлар ташкил этиш ҳаракатида. Бу сингари ижобий ишлар вилоятнинг аграр соҳаси жадал равақ топаётган, деган тасаввур уйғотиши мумкин. Аммо ҳамма жойда ҳам интилиш бир хилми, деган саноат майдонига айланган. Бойси айрим тармоқлар, дейлик, пахтачиликда Поп, Учқўрғон ва Уйчи туманларида шартномавий режа 81 — 87 фоизда қолиб кетганлиги, вилоят бўйича 581 фермер хўжалиги белгиланганидан анча кам ҳосил олганлиги ташвиш уйғотилади. Косонсойда бу ҳолатни сув тақчиллиги, экинзорлар вегетация даврида бор-йўғи бир-икки марта суғорилганлиги билан изоҳлашди. Бошқа сабаблар, масалан, меҳнатга муносабат, парваришни талаб даражасида ташкил этмаслик, экинни ўғитга тўйдирмаслик сингари кўришилган ҳам борки, бу қишлоқ хўжалик бўлими ва кластерлардан жойларда талабчанликни қатъий йўлга қўйишни тақозо қилади. Яқинда вилоятда "Ҳосил байрами" тантанали нишонланди. Унда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ва аҳоли вакиллари билан иборат ўн мингга яқин кишилар миллий кўпқари уйинлари, таниқли санъаткорларнинг бадиий дастурини мириқиб томоша қилди. Деҳқончилик йилига яқин асалли, илгорлар рағбатлантирилди. Уз навбатига, келгуси йил режалари белгилаб олинди. Шундай тантаналар бардавонлиги агро-саноатчиларнинг сидқиқлиги меҳнати ва соҳанинг изчил қўллаб-қувватланиши билан боғлиқлигини ҳамма яна бир қарра ҳис этди.

## Интилиш

Бу йил деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 67 минг 750 гектарига галла, 63 минг 406 гектарига пахта еттиштирилди. Агротехник тадбирлар изчиллиги, таъминотнинг пухта йўлга қўйилганлиги шартномавий режалар ижросида муҳим омил бўлди. Айниқса, пахтачилик соҳасида фаолият кўрсатган етти кластернинг ташкилотчилиги билан фермер хўжалиқлари уруғлик, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материалларини етарли миқдорда олди. Бунда Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ажратган 537 миллион 259 миллион сўмлик имтиёзли кредит молиявий асос бўлиб хизмат қилди. Фермерлик қила бошлаганимга ўн тўққиз йил бўлди, — дейди Минбулоқ туманидаги "Қумушбоби Мўйдинова" фермер хўжалиги етакчиси Халима Боймирзаева. — Ушунда ҳосилдорлиги бор-йўғи 16 центнер бўлган экинзорни қабул қилиб олганман. Ерларни элақчага келтириш учун қаттиқ ишладик. Жорий мавсумда 46 центнердан пахта олдик. Дастлабки пайтдагидан деярли уч баравар юқори. Бу, биринчи навбатда, деҳқонга эрк берилгани, ер эгасини топангидан, деб биланман. Пахта ва галладан иборат 130 гектар экинзорларимизда 50 нафар ишчи меҳнат қилади. Мана, бу йил ҳар икки экиндан 1,6 миллион сўм соф фойда оляпти. Галла мавсумида ишловчиларнинг ҳар бирига меҳнат ҳақига қўшимча 3 тоннадан бугдой бердик. Қурилиш қилса, тўй ўтказса, бир чеккасини кўтариб юборамиз. Қишлоқ хўжалигига замонавий бошқарув тизими — кластернинг кириб келиши

соҳа тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Бу Наманганда ҳам ўз натижасини кўрсатмоқда. Айни пайтда вилоятда галлачилик бўйича 10 та, пахтачиликда 7 та кластер фаолият кўрсатмоқда. Янги усулнинг афзаллиги, аввало, яқин вақтга чин хорижга хомашё кўринишида сотиб келган пахтаминнинг қадри кўтарилганда, ўзимизда тўла қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилган ҳолда бозорга чиқарилаётганида кўринади. Бугун ҳар бир кластернинг ўз пахта тозалаш, ёғ ажратиш олиш, толага айлантириш, текстиль корхоналаридан иборат ишлаб чиқариш занжири бор. Мисол учун Поп ва Минбулоқ туманлари фермерлари билан ишлаётган "Art soft tex cluster" учта пахта тозалаш, учта йиғирув, учта тўкув-бўёқ ва 8 та тижувчилик корхоналарига эга. Уларда икки ва ташқи бозорга йўналтирилган юқори сифатли маҳсулот тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Россия, Молдова, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатларига 29,3 миллион АҚШ долларига тенг текстиль маҳсулотлари экспорт қилинди. Яна бир муҳим жиҳати, кўп тармоқли агрокластер ҳар икки туманда бандлик дастури ижросига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни пайтда унинг

## МАКТАБДА 15 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ МАОШ ОЛАЁТГАН ҲИЖДУВЧИ



Қўшқудуқ овули Навоий вилояти марказидан 120 километр оғисда — Нурота адирликлари Қизилкук туманида жойлашган. Овулда битта мактабгача таълим ташкилоти ва 23-сонли умумтаълим мактаби фаолият юритади. Президентимизнинг 2021 йил 11 январдаги "Олис худудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга кўра жорий ўқув йили бошидан асли ғиждувонлик инглиз тили ўқитувчиси Жамшид Асатов тақлиф этилди.

фали ўқитувчи мактабга эга бўлди. Бугун унга мактабда инглиз тилидан бераётган дари учун 5,3 миллион сўм ойлик, таълим сифати юқори бўлмаган мактабда фаолият юритаётгани учун 100, мактаб олиш худудда жойлашганлиги учун 40, туман коэффициентини учун 30 фоиз ҳамда "С1" сертификатига 2,6 миллион сўм устама ҳисобланиб, солиқларни чегирлаб ташлаганда 15 миллион сўмдан кўпроқ маош олмақда. — Мактабимиздаги биринчи синфдан ўн биринчи синфгача бўлган ўқувчиларга инглиз тилидан дарсларни ўтишдан ташқари, тўғрақ ҳам ташкил этганман, — дейди Ж. Асатов. — Етмиш нафарга яқин ўқувчилар тўғрақ ҳам жалб қилинган. Бу ҳолат овул ёшларининг чет тилини ўрганишга иштиёқи бағаландиллигини, Юртбошимиз энг аввало, мана шу ёшларнинг истиқболи инobatга олиб, шароит яратиш берганини аниқлашди. Жамшид Асатов ўқувчиларни айни кунларда фан олимпиадасига тайёрламоқда. Яқин истиқболда шоғирдлари инглиз тилидан гоилибликни қўлга киритса ажаб эмас.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

## Молия муассасаларида

# КОРХОНАНГИЗ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИНИ БАНК КРЕДИТИ ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИНГ

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан йирик корхоналар ва тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларни тўлдириш мақсадига олти та хизматлар пакети тақлиф этилмоқда. Банкларнинг айланма маблағларни тўлдириш мақсадига ажратаётган кредитлари моҳиятан иқтисодий фаоллик узлуксизлиги ва иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабаб давлатимиз раҳбари тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир чиқишларида бундай молиявий механизмларни фаол қўллаш заруриятини кўп таъкидлайди.



дид линияси орқали айланма маблағларни тўлдириш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, кредит қарздорликларни қолдиғини сотиб олиш ҳамда боғхона тўловлари учун; **валютаси** — миллий ва хорижий (АҚШ доллари, евро) валютада; **муддати** — 36 ойгача; **фоизи** — миллий валютада 24 фоиздан, хорижий валютада 11 фоиздан бошлаб; **миқдори** — 15 000 000 (ўн беш миллион) АҚШ доллари эквивалентида; **имтиёзли давр** — 9 ойгача.

## "Kontokorrent"

Мақсади — мижознинг асосий ҳисобварағида етарли маблағи бўлмаган тақдирда уни тўлдириш учун; **валютаси** — миллий валютада; **муддати** — очик линия асосида 12 ойгача; **миқдори** — мижознинг охириги 6 ойдаги ўртача савдо тушумининг 25 фоизгача, аммо 5,0 млрд. сўмдан ошмаган миқдорда.

## "Factoring"

Мақсади — хизмат регресс ҳуқуқи билан дебиторлик қарздорликни сотиб олишга мўлжалланган; **валютаси** — миллий ва хорижий (АҚШ доллари ва евро) валютада; **муддати** — миллий валютада 180 кунгача, хорижий валютада 120 кунгача; **фоизи** — банк кредит сиёсати ва меъёрий ҳужжатларига асосан белгиланади.

## "Aylanmaga kredit"

Мақсади — очик ва/ёки ёпиқ кредит линияси орқали экспорт-импорт қилинадиган маҳсулотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида андеррайтинг усули йўлга қўйилган. Унга кўра ҳар қандай, шу жумладан, айланма маблағларга ажратилаётган кредитлар мижозларга ижобий кредит тарихига эга бўлган тақдирда тақдим этилади. Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, маърасида томонидан 7 трлн. 780 млрд. сўмга яқин ана шундай кредит маблағлари ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баравар ошган. Бунда корпоратив мижозларга тақдим қилинган кредитлар улushi юқори бўлиб, ўсиш 145 фоизни ташкил этмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ишлаб чиқариш узлуксизлиги ва товар-пул оқимларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилаётган бундай кредитлардан мижозлар 1 йилда беш ва ундан ортиқ маротаба фойдаланмоқда. **Банк ахборот хизмати.**

## "Eksportni rag'batlantirish"

Мақсади — очик ва/ёки ёпиқ кредит линияси орқали экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорт-олди молиялаштириш мақсадига, шунингдек, тўловларни кечиктириб тўлаш шартли билан экспорт қилинган айланма маблағларни тўлдириш учун; **валютаси** — АҚШ долларида; **муддати** — 12 ойгача; **фоизи** — 4 фоизгача; **миқдори** — 1 000 000 (бир миллион) АҚШ доллари эквивалентида; **имтиёзли давр** — 9 ойгача.

## "Working Capital"

Мақсади — очик ва/ёки ёпиқ кредит линияси орқали айланма маблағларни тўлдириш учун; **валютаси** — миллий ва хорижий (АҚШ доллари, евро) валютада; **муддати** — очик линия бўлганда 36 ойгача, ёпиқ линия бўлганда 12 ойгача; **имтиёзли давр** — корхонанинг молиявий имкониятидан келиб чиқиб белгиланади.

## "Eksportoldi moliyalashtirish"

Мақсади — очик ва/ёки ёпиқ кредит линияси орқали экспорт-импорт қилинадиган маҳсулотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида андеррайтинг усули йўлга қўйилган. Унга кўра ҳар қандай, шу жумладан, айланма маблағларга ажратилаётган кредитлар мижозларга ижобий кредит тарихига эга бўлган тақдирда тақдим этилади. Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, маърасида томонидан 7 трлн. 780 млрд. сўмга яқин ана шундай кредит маблағлари ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баравар ошган. Бунда корпоратив мижозларга тақдим қилинган кредитлар улushi юқори бўлиб, ўсиш 145 фоизни ташкил этмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ишлаб чиқариш узлуксизлиги ва товар-пул оқимларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилаётган бундай кредитлардан мижозлар 1 йилда беш ва ундан ортиқ маротаба фойдаланмоқда. **Банк ахборот хизмати.**

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЁЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

## ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

"Бухоро НКІЗ" МЧЖ bnpz.uz сайти ва TENDERWEEK.com порталида импорт қилинувчи углеводород хомашёсини сотиб олиш-сотиш лотларига доир энг яхши таклифни танлаш бўйича танлов эълон қилади. №1 лот — 50 000 тонна миқдорда яримтайёр бензин; №2 лот — 100 000 тонна миқдордаги газ конденсати; №2 лот — 100 000 тонна миқдордаги хом нефть. **Ариза топириш муддати:** ҳужжатларни топиришнинг бошланғич санаси — 2022 йил 14 декабрь, якуний санаси — 2022 йил 27 декабрь.

**Танлов ташаббускори билан боғлиқ:** масъул шахс — Назиров Сулаймон. **Тел.:** +998 65 365 42 50

**қўшимча равишда:** +998 65 364 13 44; +998 91 311 16 61; +998 93 477 07 64.

**Электрон манзил:** otel\_tolling@bnpz.uz ва info@bnpz.uz **Ҳурматли мижозлар, сизни импорт қилинувчи углеводород хомашёсини сотиб олиш, сотиш лотларига доир энг яхши таклифни танлаш бўйича танловда иштирок этишга таклиф қиламиз.**

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбахр муҳаррир — Н. Остонов. Мусахҳх — С. Исмолов. **Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6**